



«ОБУНА-92»

ҚИЗҚУВЧИЛАР КҮП

«Постда» рўзномасининг ихлосмандлари сони кун сайин ошиб бормоқда.

— Ички ишлар бўлимида, — деди Риштон тумани ИИБ бошлигининг ўринбосари, милиция майори Муҳаммадали Ғиёсов телефон орқали бўлган суҳбатда, — бир юз ўн олти нафар милиция ходими халқ осойишталиги йўлида ҳалол меҳнат қилиб келмоқда. Улар 1992 йил учун ўзларига тобора қадрдон бўлиб бораётган «Постда» рўзномасига юз фоз ёзилишди. Туманда яшовчи оддий фуқаролар ҳам чеккада қолишмапти. Рўзноманинг қизиқарли чиқаётганлиги сабабли уларнинг сафи кенгаймоқда.

ИИВДА

ЭКСПЕРТЛАР КЕНГАШИ

16 октябрь кунини жумҳуриятимиз ички ишлар вазирлигида эксперт хизмати раҳбарларининг икки кунга мўлжалланган ҳудудий йиғилиши бўлиб ўтди. Унда барча вилоятлар ҳамда иттифоқдош жумҳуриятлар, ўлка ва вилоятлар ички ишлар идораларининг мутахассислари қатнашдилар.

Кенгашни Ўзбекистон жумҳурияти ички ишлар вазирининг ўринбосари милиция полковниги Павел Левочкин қўтлов сўзи билан очди. ССЖИ ИИБ бўлим бошлиғи Аркадий Лануев эса ҳозирда бу соҳада амалга оширилаётган ишлар, эксперт-криминалистларнинг янги замонавий техникалар билан таъминлаш ҳамда кадрларнинг малакасини ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида ахборот берди. У содир этилаётган жиноятларнинг очилишида эксперт-криминалистларнинг аҳамияти ҳақида тўхталиб, жойлардаги илғор тажрибаларни мисол келтирди. Шундан сўнг йирилганлар ўзлари раҳбарлик қилаётган жойлардаги ютуқ, камчилик ва муаммолар ҳақида фикр билдирдилар.

Кенгаш якунида йиғилиш қатнашчилари вазирликдаги ЭКБ махсус лабораториясини кўздан кечирдилар. Келгуси режалар ҳам белгилаб олинди.

МЕҲНАТМИЗ ЎТДА КУЙМАСИН!



Бу йил ўзбек халқининг миллий бойлиги ҳисобланмиш пахтадан мўл ҳосил етиштирилди. Бу заҳматкаш деҳқонларимизнинг эрта баҳордан бери қилиб келаётган меҳнатлари рўйдир.

Туман ва вилоятлар бирин-кетин йиллик режа адо этилганлиги ҳақида рапорт бермоқда. Айни пайтда йиғим-терим суръати сусайгани йўқ.

Пахтаку етиштирилди. Аммо уни нест-нобуд қилмай йиғиб-териб олиш ва қайта ишлаш корхоналари-

га жўнатиш ҳам муҳим масала.

Минг афсуски, жойларда бу борада арзимаган эҳтиётсизлик туфайли ёнғин чиқиб, ҳосил куйиб кулга айланаётган пайтлар ҳам бўлаяпти. Бу биринчидан, увол, иккинчидан, пахта нархи икки баравар оширилган пайтда деҳқон чўнтагига катта зарар.

Пскент тумани ИИБ ёнғиндан сақлаш бўлими ходимлари ана шундай кўнгилсизликларнинг олдини олиш борасида талайгина

ишларни амалга оширмоқдалар. Далаларда, пахта тайёрлаш пунктларида бўлиб, ўз маслаҳатларини деҳқонлардан дариг тутмаптилар.

Фотомухбиримиз Ҳабибулла Шодиев олган бу суратда туман ИИБ ёнғиндан сақлаш бўлими бошлиғи ички хизмат майори Бахтиёр Шаматов, пахта тозалаш заводи директори Мухторжон Акбаров ва туман прокурори Рустам Рашидовларнинг ўзаро суҳбатлашиб турган пайтлари акс эттирилган.

ФАЛОКАТ ОЁҚ ОСТИДА

Совуқ кунлар бошланмоқда. Демак электр қувватига, газга бўлган талаб бир неча баробар ортади. Ана шундай дамларда ёнғин хавфсизлиги қондаларига қатъий риоя қилиш, электр асбоблардан, газ қурилмаларидан жуда эҳтиёткорлик билан фойдаланиш зарур. Акс ҳолда...

Акс ҳолда, жумҳуриятимиз бўйича шу йилнинг туққиз ойи мобайнида 182 минг марта ёнғин бўлганлиги қайд этилган, бу рақам янада ортаверади. 13 миллион сўми ташкил этган моддий зарар ҳам кўпайиб бораверади.

Шу йилнинг 1 сентябрда Бухоро вилояти Учқудуқ қўғонига истиқомат қилувчи К. Шарофутдинов маст ҳолда сигарета чекиб ухлаб қолган. Натижада ёнғин чиқди. Уй эгаси қайтиб ўйғонмади...

17 сентябрь кунини Ўрта-Чирчиқ туманининг Карима Содиқова номли жамоа хўжалигида ўчирилмай қолган электр иситкичдан чиққан ёнғин оқибатида ҳали бир ёшга ҳам тўлмаган норасида нобуд бўлди.

1 сентябрда Бухоро вилоятида газ баллон портлаб кетди. Жабр кўрган беш киши шифохонага жойлаштирилди.

Андижон вилояти Москва туманининг Ленин номли жамоа хўжалигида яшовчи К. Миралимовнинг уйи аввалгига кучли портлаш остида қолди, кейин гуриллаб ёнди. Хонадон соҳибни касалхонага юборилди.

А. АҲМЕДОВ.

Ўзбекистон жумҳурияти ИИБ ёнғиндан муҳофаза қилиш бошқармасининг инспектори.

Бу воқеага тахминан икки ойдан ошди.

Эрталаб бирга хизмат қилаётган ҳамкасбим жигрийбон бўлиб кириб келди.

— «Тез ёрдам» роса асабимни бузди, — деди ҳолаҳвол сўраганимиздан кейин. — Кеча уйга борсам, тўрт ёшли қизчам иситмада алаҳсираб ётибди. «Нега дўхтир чақирмадинг?» — десам, турмуш ўртоғим йиғлаб юборди. «Умуман «03»га тушиб бўлмаяпти. Тўғри, бир марта қўнғироқ қилиб тушдим. Аммо дастанга кўтарган аёл поликлиникага олиб боришимни айтди. Бошқа гаплаша олмадим», — деди ҳиқиллаб.

Ўзим телефон қилишга югурдим (Ал-Хоразмий даҳасида автомат-телефон уйимиздан камда икки чақирим нарида). Афсуски, ўзим ҳам соғлик посбонлари билан осонликча боғлана олмадим. Бир марта аёл кишининг «Қайта қўнғироқ қилинг!» — деган овозини эшитдим. Шундан кейин рақамларини неча марта термай, қисқа-қисқа гудок бўлаверди.

Ниҳоят, яна уйга чопқиллаб келдимда, такси

тутиб, қизимни «Тез ёрдам»га ўзим олиб бордим.

Ҳамкасбимнинг кеча чеккан азоблари туфайли ҳаммамиз ранжидик. У эса «Тез ёрдам»нинг жумҳурият идорасига, шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармасига ва ҳатто Соғлиқни сақлаш вазирлигига қўнғироқ қила бошлади.

Охири вазир номига шикоят ёзиш билан чекланди.

«03»НИНГ ҚУЛОҒИ ОҒИР

Аммо, шуни яхши биламанки, унинг ўша шикоят сувга тушган тошдек жавобсиз кетди.

Эҳтимол, бу воқеани умуман эсламаслигимиз мумкин эди. Аммо яқинда яна бир воқеанинг шохиди бўлдим.

14 октябрь кунини соат 9 ларга яқин ишга келаётгандим. «Мовий гумбаз» кафесининг рўпарасидаги боғда чамаси 30-35 ёшлардаги йигитнинг юзтубан ётганлигини, бошидан қон оқаётганини кўрдим. Ҳатто ерда қип-қизил қон халқоб бўлиб кетганди.

Одамлар эса одатдагидек унга бир қиё боқишардида, яна йўлларидан давом этишарди. Автомат-телефонга югурдим. Минг ҳаракат қилсам ҳам «03»га туша олмадим.

Вақтни бой бермаслик учун ишхонамга югурдим. Афсуски, бу ердан ҳам тиббиёт ходимлари билан боғлана олмадим. Кейин ноилож шаҳар ИИБнинг нав-

батчилиқ қисмига қўнғироқ қилдим.

Аввал бемор қизчасига врач чақиролмаган ҳамкасбим эса бу соҳанинг юқори ташкилотларига сим қоқа бошлади.

Хайрият, уларнинг аралашуви туфайли мақсадни амалга оширдигу яна нотаниш бемор ётган жойга қараб югурдик.

Орадан чамаси 20 дақиқа ўтгандан кейин шифокорлар етиб келишди. Айни пайтда Фрунзе тумани ИИБ оператив ходимлари ҳозир бўлишди.

Ниҳоят, беморни ўридан турғазилди. У Тошкентдаги

энг йирик нашриёт (аввалги Ўзбекистон Компартияси нашриёти)да токар бўлиб ишловчи Александр Юрьевич Галанов бўлиб, афтидан хўроз қичқирмасдан яхшигина «отиб» олган экан.

Уни биров дўшпосладими ёки ўзи мастликнинг зўридан йиқилдими — бунини Фрунзе туманидаги ҳамкасбларимиз аниқлашади. Бизнинг билганимиз — у ўша пайтда бемор эди!

Менинг айтмоғчи бўлганим — шаҳар «Тез ёрдам» идорасида телефон ёнида ўтирган кишининг боқиберамлиги. Эътироз билдирсангиз, уларнинг раҳбарлари алоқа ёмонлигини рўкач қилишади. Зинҳор ўз ходимларини тартибга чақириб қўйиш кераклигини тан олишмайди.

Сиз касал ётган кишининг аҳволини кўриб, жонингиз ичингизга сирмай қўнғироқ қоқасиз. Лекин аксарият ҳолларда ҳаракатингиз беркорга кетади.

Қизик, соғлиқни сақлаш мутасаддилари «Тез ёрдам» «қулоғи»ни қачон даволашаркин?

Исмоил МИНАВВАРОВ,
милиция катта лейтенанти.

ЯХШИ ОТ ҚОЛСИН

Бир неча йиллар бурун Фаргона шаҳрининг Ҳафиза Иброҳимова номи кўчасида тез-тез турли хил жиноятлар содир этиларди. Кўчадаги чироқлар ёнимас, ариқлар ифлос эди. Бироқ ҳаракат қилса, битмайдиған иш йўқ экан.

Фаргона шаҳар кенгашининг номби милиция капитани Б. Адҳамов, участка вакили Г. Исмонов ҳамкорлигида маҳалла кенсалари билан суҳбатлашди. Натжидада ўзaro келишиб, ҳашар уюштиришди. Кўчатлар экилди, ариқлар тозаланди, чироқлар таъмирланди.

Бундан ташқари Б. Адҳамов ташаббуси билан шаҳарнинг савдо ва маъмурий комиссия аъзолари биргаликда текшириш ўтказдилар. 100 га яқин майда чайқовчилар ушланиб, уларга 10 сўмдан 100 сўмгача жарима солинди.

19-, 5-, 88-дўконлардаги баъзи камчиликлар бартараф этилди.

Номибинг навбатдаги ташаббуси билан Ленин кўчасида жойлашган таянч пункти таъмирланди. Зарур жиҳазлар билан таъминланди.

Шаҳар ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Б. Адҳамов жамоа тўйларига бош-қош.

Эл хизматига астойдил бел боғлаган Б. Адҳамовни қачон учратманг, бирон-бир ташвишда бўлади. Номибинг туйфайли эмас, табнатаран оққўнглиги учун ҳам ўзгалар гамида елиб-югуради. Чунки одамдан яхши от қолса, шунинг ўзи бахт эмасми!

ҲАКИМИЙ.



Орифжон Тўпаевни Ленинград туманидаги Масалиска қишлоғи аҳолиси яхши танийди. У 1980 йилдан буён милицияда хизмат қилиб келмоқда. Ўтган давр мобайнида жамоа ва халқ орасида ҳурмат-эътибор қозонди.

Орифжон ҳар доим эл-юрт ичида. Халқнинг иссиғидан ҳам, совуғидан ҳам хабардор. Шу сабабли бўлса керак унинг тасарруфидаги ҳудудда жиноятчилик кам. Содир этилгани ҳам очилмасдан қолмайди.

СУРАТДА: ИИБ катта участка вакили милиция капитани О. Тўпаев қишлоқ ёшлари билан суҳбатда.

Ғ. УБАЙДУЛЛАЕВ олган сурат.

Қамоқхонадаги ОЧИҚ МУЛОҚОТ

Зомин тумани ёшлар иттифоқи кўмитасининг ёшлар билан ишлаш шўъбаси хайрли ишга қўл урди.

Шўъба мудирини Х. Жўраев раҳбарлигидаги гуруҳ қамоқхонада жазо муддатини ўтаётган ёшлар билан мулоқот уюштирди.

Дастлабки суҳбатдошимиз гулистонлик М. исмли маҳбус бўлди.

— Бу ерга қандай келиб қолдингиз?

— Жумҳурият ЖМнинг 126-моддаси 2-қисми билан қамалганман. Бир ярим йилдан буён шу ерданман. Ешим 19 да, — дейди у ғамгин кўзларини биздан олиб қочаркан.

— Сизни эгрилик кўчасига етаклаган нарса нима?

— Ўзим ҳам билмайман. Мастлик қилиб...

— Жиноят содир қилгангизда қамашларини билмаганмисиз? Тутқунликдан қўрқмаганмисиз?

— Йўқ, қўрқмаганман. Аксинча уни хоҳлаганман. Мен бу ердаги ҳаётни яхши, ўзинг ўзингга ҳоқимсан, деб ўйлагандим. Жазо муддатини ўтаётган «тажрибали» акалар билан алоқани жойига қўйиб «шеф» бўлиб яшайман деган ҳаёлда эдим. Кўзим билан кўргач эса ҳаммаси бекор гаплигига ишондим. Қилмишимдан минг пушаймонман. Аммо биламан, энди кеч.

— Ўз тенгдошларингизга бу борада нима маслаҳат берардингиз?

— Ҳеч кимга бу даргоҳларга тушиш насиб этмасин. Душманимга ҳам раво кўрмайман. Нопок қадам босишдан ўзингизни тийинг! Умрингизни темир панжаралар ортида ўтишига йўл қўйманг.

Жиззахлик Адолатнинг тарихи бошқача.

— Ҳаёт мени шунга мажбур қилди, — дея ўз бахтиқаролигида тап тортмай ҳаётни айблайди. — Ўзгалар каби замонавий кийимини, шаҳарларни томоша қилишни истардим. Унинг учун эса пул, кўп пул керак. Шундай қилиб йўлни топдим ҳам.

— Ота-онангиз беҳабарми эгрилингиздан?

— Ота-онам мутлақо айбсиз. Оилада 10 кишимиз. Ахир шўрликлар қайси биримизга етказсин. Уларга оғирлигимни туширмасликка ҳаракат қилдим.

— Қандай қилиб? — Ўғирлик, фоҳишалик йўли билан.

Жиккакина, кўзлари шарм-ҳаёдан йироқ бу қизга ачинишни ҳам, ачинмасликни ҳам билмайсан, киши, Ҳавойи орзу-ҳаваснинг ихтиёрий қурбони бўлган Адолат қилмишидан пушаймонлигини айтади. Бироқ тавбасининг самимий-маслиғи кўзларидан билиниб турибди.

Зоминлик Ҳавлон, сирдарёлик Бахтиёр, форишлик Ҳолиқ, Ҳалима сингари ўнлаб йигит-қизлар жиноят кўчасига адашиб кирганликлари ҳақида афсус-надомат билан гапирди. Ҳар бири жазо муддатини тугатиб, озодликка чиқишгач, албатта ҳаёт йўллари ни топишга ҳаракат қила-жақларини айтишди.

Биз ўларнинг сўзларига ишондик. Ваҳоланки, тутқунликни кўрган йигит ва қизлар ўзлари учун ҳулоса чиқариб олмас эканлар, биронинг насиҳати бекор.

Мулоқотдан сўнг муассасада йўлга қўйилган тарбия-ташвиқот ишлари билан танишдик.

Ички хизмат капитани О. Кукучкиннинг бўлимида 22 нафар ўсмир бор. У ёшларнинг ҳар бири билан суҳбатлар ўтказди. Интизомли, тартибли маҳбусларнинг ҳужжатини қайта судга оширади. Бундан кўзда тутилган мақсад — жазо муддатини камайтириш ёки озодликка чиқариш.

Шу йилнинг ўзида муассасада 8 нафари озод қилинди, 5 ўсмирнинг эса жазо муддати қисқартирилган.

— Қамоқхонада тарбиявий ишлар қаттиқ режим асосида ташкил қилинган, — дейди суҳбатда бўлим бошлиғи С. Исломов.

— Бу ерга келаётганларнинг аксарияти майда ўғирлиги, безорилиги, фоҳишабозлиги учун қамалганлардир. Уларнинг жиноятга қўл уришида ота-оналарнинг айби каттадир. Фарзандларининг тарбиясига бефарқлиги, лоқайдлиги оқибатидан бу.

Мулоқотдан сўнг «Қамолот-91» туман кўрик-танловининг ғолиблари Э. Вобоев, Ю. Каримов, О. Эргашевлар концерт намойиш этидилар.

Илҳом ТОҒА.

САВОБ ЧАЛА БЎЛМАСИН

Юсуф Каримовнинг ички ишлар идораларида ишлаётганига ҳам 18 йил бўлди. Ҳозир милиция подполковниги. 1981 йилдан 1983 йилгача Афғонистонда байналмилалчилик бурчини ўтаган.

— Кўп ҳарбий операцияларда иштирок этганман, — дейди Юсуф Каримов. — Охиргисини айта қолай.

1983 йил май ойи эди. Қобулдан 80 километр шимолда жойлашган Вардан вилоятига навбатдаги топшириқни бажариш учун йўл олди. Кечаси бирларда сафарга жўнаган бўлсак, тонги

соат 5.30 ларда у ерга етиб бордик. Душман билан тоғ оралиғида тўқнашдик. Улар оддий деҳқон қиёфасида, паранжи, чочвои ёпинган ҳолда келишайтгани учун дарҳол илғаб бўлмасди. Қирғинбарот қизгандан-қизиди. Икки томон ҳам кўп талофат кўрди. Жанг кеч соат 5 ларда тугади. Ҳали ҳам шахид кетганларга ачинаман.

Мана Тошкент вилояти ИИБ қошида Афғонистон фахрийлари кенгаши ташкил этилди. Бу албатта яхши иш. Кенгаш «афғончиларнинг ҳуқуқ ва имтиёзларини тикласа, ёрдам қў-

лини чўзса, савобга қолган бўларди.

Юсуф Каримов Чиноз туманида ҳуқуқ-тартиботни кучайтиришга, жиноятчиликнинг камайишига ҳам муносиб ҳиссасини қўшиб келаёттир.

Бўлимга келган ҳар бир ёш Юсуф Каримовдан ўрнак олса арзийди. Эл ойнашталлигини мустақамлашга астойдил бел боғлаган собиқ байналмилалчи-жангчи талабчанлиги ва ташаббускорлиги билан жамоада ҳурмат қозонганлардан биридир.

М. МИРСОВУРОВ.

СИРЛАШУВЧИ ДЎСТ ТОПДИК

кўпайди. Мактублар сони эса ошгандан ошаверди.

Рўзномамизда «Шанба учрашувлари» руқни остида бадий саҳифа очилдики, бу ҳам рўзномасеварларни бефарқ қолдирмади. Таниқли бастакорлар, ёзувчилар, ҳажвчилар, шоирлар муҳарририятимиз меҳмони бўлдилар. Анор Назаров, Муроджон Раҳмон, Зикрилла Эгамбердиев, Нормамат Тоғоев, Абдулла Турдиев каби ижодкорлар муҳарририятимиз ишига ривож тиладилар. Бундан кейин ҳам бундай учрашувларни давом эттириш ниятимиз йўқ эмас.

Ўзида ижобий хислатларни жам этган ҳар бир инсонда бадий ижодга уриниш ҳолатлари бўлади.

Шуниси қувончлики, ички ишлар идоралари ходимлари орасида ҳам ижодкорлар кўп экан. Риштон туманидан ички хизмат катта лейтенанти Эминжон Обидов, Саросиё тумани ИИБ ходими милиция старшинаси Ҳайитмуҳаммад Мўминов, чинозлик милиция сержанти Ҳасан Турсунқулов, Бухоро шаҳридан милиция катта лейтенанти Б. Бобоев каби ҳамкасбларимиз бизга ўз шеърларини юборишган.

Уйқуларим бузғинди Сизни ўйласам, Юрак-бағрим эзилди Сизни ўйласам. Ном ўчсин қотилларини ерининг юзидан. Жудо қилди оналарини ўғил-қизидан... Милиция майори Зубайдулла Муҳаммадиевнинг «Сиз ўлмайсиз» деб номланган

нади. Жиноятчиларга қарши курашда ўз жонини қурбон қилган милиция ходимларига бағишланган ушбу мисраларда муаллиф дилидаги бор дардларини баён қилишга ҳаракат қилади.

Октябрь тумани ИИБ ходими участка инспектори Бахтиёр Ҳайдаров юрак сирларини сатрлар орқали ошкор қилишга уринган:

Наҳрларга ҳаёт бахш этган, Баҳор каби қувонч келтирдиган. Пайдо қилиб оташ муҳаббат, Рухим узра, жоним, ўлтирдиган... Бекобод тумани ИИБ ходими Энақиз Бектошева эса ҳаётда анчагина заҳмат чеккан аёлнинг дард-ҳасратларини қаламга олган.

Соҳиб Сатторов Тошкент Давлат чет тиллар педагогика олий билимгоҳи талабаси. Унинг бизга юборган шеърлари дўст ва она ҳақида.

Алдама дўстингни токи тириксан, Сенга ҳамдард бўлғай дард чеккан кўминги.

Сен бир гадосаими ёки бўюсан, Дўстан айрилган кун тугағай умринг... Бир қарашда шеър равои ёзилгандек кўринади. Аммо уни ўқиган киши: «Албатта, шундай. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас» — дейиши табиий. Мисраларни, сўзларни шундай тернш, шундай танлаш керакки, дўстига том маънода содиқ ёки энг

қувончдан, ё аламдан йиғласин.

«Менинг ушбу машқларимни ўқиб чиқиб, маслаҳат берсангизлар», — дейди С. Сатторовнинг ўзи. Бизнинг маслаҳатимиз, тилагимиз — тинимсиз изланиш, ибора билан айтадиган бўлсак — игна билан қудуқ қазиш.

Норинбой Қаршибоев (Олмалик шаҳри), Абдуғулом Қозоқов (Андижон шаҳри), Мирҳамид Ҳакимов (Наманган тумани), Урмонжон Тўйчиев (Избоскан тумани), Ҳакимжон Тошматов (Риштон тумани), Эргаш Атоев (Қизилтепа тумани), Музаффар Тўйчиев (ТошДД толиби), Абдулхай Қутбидинов (Марғилон шаҳри), Ғулможон Нурматов (Бўка тумани), Усар Мусоев (Тошкент шаҳри) каби рўзномамиз ихлосмандлари ҳам биз билан назм орқали сирлашишни, дардлашишни лозим топганлар. Уларга чуқур, самимий миннатдорчилигимизни изҳор қиламиз.

Келгуси йили муҳарририятимиз ўз олдида катта мақсадларни қўйган. Албатта, рўзномасеварларнинг мададига таянган ҳолда.

Сўнгги сўз сифатида шунини айтмоқчиман. Мактубларнинг аксариятида милиция ходимларига «сабр-бардош, матонат, қатъиятлик, собитқадамлик ҳамроҳ бўлсин» мазмундаги истаклар баён қилинган. Милиционер онаси Марҳамат Раҳматованинг ушбу мисралари бу тилакларни умумлаштиргандек бўлади:


...Кўзингга нур бўлғай тун кечалар, Қувватинг бўлғай беҳол чоғларинг. Омонлигинг тилай яратганимдан. Бахтим ва умидим...

Исмонил ШОМУРОДОВ.

Мен покликка ҳаракат қилдим

Бундан бир йил бурун бўлган бу воқеадан бутун Арнасой аҳли ларзага тушган эди. Ҳаёт эса ўз йўлида давом этаверди. Бугунга келиб кундалик юмушлар билан банд одамлар уни деярли унутиб улгуриниб қолди. Мен эса ҳамон ўйда. Езсамми!... Езмасамми!...

Езаман десанг гап кўп. Гоҳида киминдир ранжитиб қўйишдан чўчийсан... Гоҳида Қонун қўлингдан тутиб қолади. Езмайман десанг, сени қийнаётган мавзу ортда неча-неча инсонлар тақдирини ётибди. Ният — одамлар фожияларини унутмас, ундан тўғри хулоса чиқарсалар. Илмиж—мақолагини ўқиб, ҳеч бўлмаса битта одам, бу йўл ёмон экан деб, дилга яхшиликни туғиб қўйс... Бунга эса ишонмиш қийинроқ.



ди. Бўлмасамчи, шундай катта раҳбар... ўзини осядию одамлар эшитмайдими? Шунанга миш-мишлар тарқалдики, ҳақиқатнинг ўзи қаердалигини билиш мушкул бўлиб қолди. Тупна-тузук лавозимда яхшигина ишлаб юрган одам тўсатдан...

Гап кўп эди. Осиб кетибди, дейишди. Ёдгорлик (марҳум ўлимидан бурун уруш қатнашчиларига атаб ёдгорлик ўрнатирган эди) масаласида чалкашликлар чиқибди, дейишди. Умуман шунга ўхшаган, ҳар қандай инсоннинг оёғи тойган пайтда айтиладиган гаплар. Номозовнинг оёғи эса жуда ёмон тойган эди.

28 сентябрь куни кечга яқин раис Жиззахдаги В... қўрғонида яшовчи Латофат исмли аёли Арнасой туманига олиб келади. Бу ерда у ҳайдовчига жавоб бериб, ўзи машинани Конев номли хўжалик томон бошқариб кетади. У ёқда нималар қилгани номаълум. Тунги соат иккиларда эса ҳайдовчисига қўнғироқ қилиб, уйга келишини айтади. Ҳайдовчиси бу ма-

ҳал ухлаб ётганлиги учун унинг ўрнига акаси боради. Номозов унга ўзининг акаси эрталаб соат бешда Фарғонага кетмоқчи эканини, шунинг учун ҳозир Жиззах шаҳрига бориб, унга кетмай туриши кераклигини айтишни буюради.

«Айт, кутиб турсин. Эрталаб хабар боради» — дейди Номозов. Қанақа хабар — номаълум. Бу эрталаб маълум бўлди. У алдамаган эди. «Хабар» ростдан ҳам борди. Эрталаб турмуш ўртоғи Номозовни саройда осилган ҳолда топди.

Асосан бор гап шу. Воқеалар оддий. Мазмун мураккаб.

Ҳаммаси аста-секинлик билан аниқлана бошланди. Бугун менга бу ердан туриб мулоҳаза юритиш, баҳо бериш жуда осон. Аслида эса унчалик ҳам енгил кечгани йўқ. Иккинчи терговдан кейинроқ раиснинг собиқ ҳайдовчиси Умид ўзини отиб қўйди. Беш ой мобайнида эса Номозовнинг иккинчи, ноқонуний хотини Латофатнинг на ўлиги, на тириги топилди.

Раиснинг ўлими ҳақидаги хабар тарқалган куннинг ўзидаёқ гап чиқди. У ҳамма қилган ишларини ёзиб кетган экан. Энди кўпгина қинғирликлар аниқланса керак... Афсуски марҳум қилиб кетган ишларини ёзмаган экан. Хат топилди, албатта. Бу ишга озроқгина аниқлик, озроқгина ноаниқлик киритди, холос. Аниқлиги шу эдики, раис Латофатни ўлдирган. Ноаниқлиги эса мурда қайда?

Дарвоқе, хат... Унинг атрофида ҳам анчагина гап-сўзлар бўлди. Миш-мишлар ҳақиқатга яқин туриши мумкин, лекин улар ҳақиқат бўлмайдими.

Мен бу мактубни сўзма-

сўз келтиришга қарор қилдим. Бировнинг шахсий хатини эълон қилиш журналист одобига кирадими? Умуман, одоб чегарасидами шу иш? Кўп ўйладим. Хатсиз воқеаларга тўла аниқлик киритиш қийин. Менинг мақсадим эса иккиланишга ўрин қолдирмаслик. Зеро марҳумнинг ҳам нияти шундай эди. Васияти ҳам... «Шу хатни эл-юрт олдида товуш чиқариб ўқиб беринглар» — деб ёзган эди сўнги битигининг бошидаёқ. Васият эса ҳамма вақт бажарилиши шарт. Бу хат унинг энг сўнги сўзи, дилдаги армонлари, гаплари, тавбалари. Марҳум уларни тергов идораларининг сандиқларида чиритиш учун ёзгани йўқ. «Ўқиб беринглар», — деган. Демак, менга сўз беринглар демоқчи. Сўзлашга имконият беринглар, демоқчи. Бу унинг сўнги имконияти. Сезаяписизми? Энг сўнги сўзи. Имконият берайлик. Башарамизни озроқ бўлсада кўрсатгандир, балки. Ўлим олдида одамлар ёлғон гапирмайди. Ҳақ сўзни эшитиш эса нақадар армон... Балки бировнинг хатоси бировнинг кўзини очар. Балки, баъзи акаларимиз бундан ўзларига хулоса ясашар. Иккинчи томонга ҳам имконият бериш керак. Ҳадеб бир томонни гапиравериш инсофдан эмас. Улар бир марта гапиринишди. Қайтиб оғиз очишмайди. Биз эса ҳали кўп езмалик қиламиз.

ШУНДАЙ қилиб сўз марҳумга: (Хат таҳрир ва ўзгартиришсиз берилмоқда).

Эҳ, орган, партия, Совет ходимлари шу хатни товуш чиқариб ўқиб беринглар. Мени партия тарбиялади, ўқитди. Мен эл-юртга кам хизмат қилдим. Чунки менинг ишнимда Латофат кўп халақит берди... Нимага қўлга тушиб қолганман. Буни сель-

хозуправления ва кўлчилик билади. Охириги вақтда мени бола билан қўлга олди. Сизлардан, фарзандларимдан андиша қилиб ўзини унинг қўлига қўл қилиб илдим. Айбим шу. Хулқар (марҳумнинг турмуш ўртоғи — И. Ш.) оиламини хиёнат қилдим. Мени кечиринглар! Бугун соат 6 дан 18 минутдан сўнг жуда ҳақорат қилди. Мени фарзандларим учун уй-жой солишга ёрдам берганлигим учун ота-онаси, укаси, келини, синглиси олдида ҳеч иложи бўлмай, Арнасойга келиб урди. Қарғади. Сенинг уйингга ўт қўйман, болаларингни қизингни ўлдириб, олов қўйиб кетаман, деди. Ялиндим ҳам иложи бўлмади. Сўнгра шофёрни қолдириб, уйга олиб бордим. Десам йўлда менга ташланди. Сўнг мен мажбур бўлдим...

Ота-оналарининг гапига ҳам кирмай ҳақоратлади. Бу ерда шофёрнинг ҳеч гуноҳи йўқ. Яна айблаб юрманглар. Сизлардан илтимос уйни 30 йил деганда қуришга унандим. Ҳеч кимдан қарз эмасман. Фақат иш учун югуриб оиламга, бола-чақамга 6 йилдан бўён қарай олмадим. Мени кечирсин!

Эҳ, ҳаёт менинг ҳам кўп ниятларим бор эди. Халққа хизмат қилиб, ўз гуноҳимни оилам олдида оқлашга интилиш эди. Афсус, минг афсус. Ақли-хушим кетди.

Оилам, қариндош, фарзандим олдида қарашга кўзим йўқ. Уртоқларим олдида. Бирга ишлаган оғанини биродарлар, мени кечиринглар!

Менинг фарзандларим Халиқ, Салим, Жасур, Оқила, Холниса мени кечиринглар!

Акаларим, ота-онам, Қорaxon, Карим кечиринг! Собир, Насиба опа, Илҳом Пардаевич кечиринглар!

Ўқтам Зокирович, Эркин Турсунович мени кечиринг. Мен жаллод эмасман, ўзини ҳимоя қилдим. Иложсизман. Менинг жанозамни ўқиган домла мендан ғазабланманг! Мен покликка ҳаракат қилиб кўрдим. Иложсиз!

(Давоми келгуси сонда).

Постда

АГАР —

- ҲУҚУҚИЯН МАСЛАҲАТГА МУҲТОЖЛИК СЕЗСАНГИЗ,
- ЯНГИ ҚОНУН ШАРҲЛАРИ БИЛАН ТАНИШМОҚЧИ БУЛСАНГИЗ,
- ҚИЗИҚАРЛИ ТАҚДИР ЭГАЛАРИ БИЛАН УЧРАШМОҚЧИ БУЛСАНГИЗ,
- ҚАТАҒОН ЙИЛЛАРИ ҚУРБОНЛАРИ ҲАҚИДА БИЛМОҚЧИ БУЛСАНГИЗ,
- ЖИНОЯТЧИЛИК БИЛАН ҚУРАШ АҲВОЛИДАН ХАБАРДОР БУЛИШНИ ИСТАСАНГИЗ,
- ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТНИ МУСТАҲКАМЛАШ БОРАСИДАГИ ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРИНГИЗ ЭШИТИЛИШНИ ИСТОҲЛАСАНГИЗ,



АДОЛАТСИЗЛИКДАН НАЖОТ ИСТАСАНГИЗ,

СИРА АДАШМАСДАН «ПОСТДА»ГА ОБУНА БУЛИНГ.

У БУ ЙИЛ НАРХИ ОШМАГАН ЯГОНА РУЗНОМАДИР.

ОБУНА БАҲОСИ — БИР ЙИЛГА 15 СЎМ 60 ТИЙИН, ЯРИМ ЙИЛГА 7 СЎМ 80 ТИЙИН, УЧ ОЙГА 3 СЎМ 90 ТИЙИН.

ОБУНА РАҚАМИ (ИНДЕКСИ) — 64615.

КЕЛГУСИ ЙИЛИ РУЗНОМАНИНГ СОТУВДАГИ НАРХИ ОШИШИ МУМКИН. ОБУНА НАРХИ ЭСА УЗГАРМАЙДИ.

- Сиз истаган рузнома!

Шанба учрашувлари

«ШАПКА»

(Интермедия)

(Шаҳар марказидаги оёқ кийимлари дўконига қишлоқдан бир қария киради ва пештахта орқасидаги курсида оёқларини чалиштирганича сигарета чекиб ўтирган олифтанамо йигитга рўшара бўлади).

ҚАРИЯ (мулоимлик билан): — Мустақиллик кутлуғ бўлсин, ўғлим.

СОТУВЧИ (совуққонлик билан): — Раҳмат. Келинг, хўш хизмат, бобой?

ҚАРИЯ: — Мендан хизматни сўрасанг, ўғлим, бир ташвиш билан атайлаб Олатўн қишлоғидан келгандим.

СОТУВЧИ (сал ўзини йиғиштириб): — Қайси Олатўн, анави уста Бойхўроз бобонинг қишлоғими?

ҚАРИЯ (жонланиб): — Ана, ўзинг биларкансан-ку. Мен ўша Бойхўроз бобонинг ҳамсоysi бўламан.

СОТУВЧИ (чехраси очилиб): — Оббо, отахон-ей, Олатўндан, уста Бойхўроз бобонинг ҳамсоysi бўламан, денг. Олатўннинг зап мард одамлари борда! Кўплари Косонга тушганларида мендан савдо қилишади, кўпчилигини танийман.

Хўш, эшитаман, отам, нима бўлди, маҳсининг калиши йиртилиб қолдими?

ҚАРИЯ (жиддий): — Маҳсининг калиши-ку йиртилгани йўғ-а, лекин бошқа бир зарурат чиқиб қолди, ўғлим.

СОТУВЧИ (гапни айлантириб тегишади): — Демак, кампиршо туфли буюрибдиларда.

ҚАРИЯ (мамнун қиёфада умидворлик билан): — Буни қара-я, жуда сезгир йигит экансанку, худди кўнглимдагини топдинг-а! Биласанми ўғлим, шу яқин кунларда тўй қилиб, кенжа қизимизни узатмоқчийдик. Шунга десанг, у-бу ҳарид қилишга шаҳарга тушгандим. Ҳамма керакли нарсаларни чайқовпайқов қилиб топдим, шу битта оёқ кийимини топишим жуда мушкул бўлаптида, ўғлим.

СОТУВЧИ (бошини сараксак қилиб): — Келинлар киядиган оёқ кийимини бир келишда топиш қийин. Бунинг учун бир-икки ой олдин буюртма бериб қўйишга тўғри келади. Ҳозирги кунда нима кўп, келин бўладиган қиз кўп. Туфли туради дейсизми, отахон!

ҚАРИЯ (ёлвориб): — Менинг узоқ йўлдан ҳа деганда келишим қийин, ўғлим. Бунинг устига, тўй куниям яқин. Энди нима бўлсаям, бугун бир иложини қилмасанг бўлмайди. Қишлоғимизни биларкансан, танишларинг бор экан. Дуо қиламан, ўғлим, илоё умрингдан барака

топгин, менга ўхшаб яхши кунларда тўй қилиб, қизларингни узатиб юргин, омин!

СОТУВЧИ (қарияни ўзига яқинроқ имлаб, паст овозда): — Менга қаранг отахон, ҳозир дуо билан иш битмайди. Сиз сўраган туфлилар топилгандай дуо билан эмас, «шапка» билан топилади. (Айёрона). Қалай, бел бақувватми ўзи?

ҚАРИЯ (содалик билан): — Мен бир нафақахўр одамман, инсоф қил, ўғлим. Магазинда ўтмай қолган шапкани менга туфлига қўшиб сотганинг билан кампирим шапка киядиган бола туғиб берармиди! Бир ўғлим бор, унгаям бўлса идорасидан ўзлари бепул қизил шапка беришади. Менга қара, ўғлим, агар бирон нарса қўшиб сотишинг жуда зарур бўлса, шапканинг ўрнига биронта маҳси-калиш берақол.

СОТУВЧИ (четга): — Ҳим-м, маҳси калиш берақол, эмиш. Шундай қилсам эртагаёқ ўша қизил шапкали ўғлингиз олдингизга тушиб, «нимга етиб» келадида, отагинам. Ким билади, бу чолни ўғлининг ўзи атайлаб мени илтириш учун юборганми? Вой, писмиқ чол-ей, сал қолди-я «шапка» қурбони бўлиб кетишимга. Кел, битта «шапка» камда, бир балони бошламасидан туриб, чакагини ўчириб юборақолай. (Қарияга илтифот ва тилғуламалик билан). Менга қаранг, отахон, ҳалиги «шапка-папка» деганларимнинг ҳаммаси ҳазил. Жуда дилкаш қария кўринганингиз учун бир ҳазил қилгандимда. Қари ҳолингизга Олатўндай жойдан овора бўлиб келибсиз, келинг майли ҳожатингизни чиқариб юборақолай. (Пештахта тагидан оқ туфли чиқариб). Мана шу туфлини келингизга совға қиламан деб атайлаб сақлаб қўйгандим. Ҳечқиси йўқ, хотинимга янаги сафар олиб берарман. Манг, шунингиз олақолинг, синглимизга насиб этган экан, буюрсин.

ҚАРИЯ (қувониб): — Раҳмат, ўғлим. Хўш, қанча берай?

СОТУВЧИ (ичидан куйиниб): — Ўттиз беш сўм, ўз нархини берсангиз бас, отахон. Олатўнлик бўлганингиз учун энди сизга шапкаям, маҳси-калиш ҳам қўшиб ўтирмайман, отам. Уста бобога салом айтиб қўясизда.

ҚАРИЯ (кета туриб): — Албатта тўйга боргин, ўғлим. Яхши йигит экансан, ўғлим билан танишиб, дўст бўласизлар. Ўғлим ҳозир Кўндалада. Ўт ўчирувчи бўлиб ишлапти.

СОТУВЧИ (кўзлари олайтириб, шалвиранича): — Ўт ўчирувчи? Ҳаҳ, олатўнлик-а, шапкани бошлаб ўзимга кийдириб кетди-ку!..

Нормамат ТОҒА,
Қашқадарё вилояти.

Шаҳарлардан бирида жиноятчиликка қарши кураш унчалик амалий натижалар бермаётганини сезиб қолишди. Ҳамма жойлардагидек, қонунда ёзилган: «Ўғирлик қилиш таъқиқланади», «Фуқаролар солиқ тўлашлари шарт» ва ҳоказолар. Аммо фуқаролар умаришни давом эттираведилар, солиқ тўлашдан ҳам бош тортавердилар, у ёғини айтмаса ҳам бўлаверади.

Шундай чоғда машҳур руҳшунос юзага келган вазиятни ўрганиб чиқиб, шаҳар маъмурига ўзи тайёрлаган лойиҳани кўриб чиқишни таклиф этди.

Рухшуноснинг фикрига кўра, қонунлар буйруқ, таъқиқлаш, дўқ-пўписа услубида таърифлангани оқибатида самарасиз бўлиб чиқаётган эмиш. Фуқароларга нисбатан фақат ғоятда хушмуомала оҳангда мурожаат қилингандагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин экан.

Лойиҳа қабул қилинибди (қонунларни эндиликда шорлар ва ёзувчилар ишлаб чиқадиган бўлишибди):

I-модда. Фуқаролардан ўзгаларнинг нарсаларини илжи борича рухсатсиз олмастик, яъни қўпол қилиб айтганда, ўғирлик деб аталадиган ишларга қўл урмаслик илтимос қилинади.

II-модда. Фуқароларга ҳеч қандай мажбур қилмаслик билан давлат солиқларини тўлаб бориш маслаҳат берилди.

Ва ҳақозолар. Ҳатто автобусда кетаётган йўловчиларга мурожаат қилишни ҳам ўзгартиришди: «Агар сизга қийин бўлмаса

марҳамат қилиб, автобуста чиқмоқчи бўлган йўловчиларга жой бўшатиш учун олдинроққа ўтсангиз!».

Шу вақтдан эътиборан, шаҳардаги ҳаёт илтифот ва огоҳлантириш асосида қуриладиган бўлди.

Рухшунос кутганидек, натижа кўз кўриб қулоқ эшитмаган даражада бўлиб, ҳаммани довдиратиб қўйди. Жиноятлар барҳам топди, деб ўйлаясизми? Асло, уларни ҳамон содир қилишаверди, сон-саногин ҳам бўлмай қолди. Бироқ улар жуда ёқимли, маданий услубда кўпайиб кетдики, эшитсангиз кўнгил яйрайди, кўзлар қувонади.

орлар, одил судга ўзларингиз ташриф буюришларингизни чин қалбдан илтимос қиламиз. Агар сизларга бемалол бўлса, бошқа ҳоллар билан боғлиқ бўлмасангиз, қабулхонага ропша-роса соат беш бўлганда кириб ўтишларингизни сўраймиз. Комиссар сизларни қаҳва ва чой билан меҳмон қилади. Бу ишни у шон-шараф иши деб ҳисоблайди.

Бандитлар ўзларини илтифотсиз деб ном чиқармасликларини ўйлаб, қабулхонага белгиланган вақтда келадилар ва шу ернинг ўзидан тўппа-тўғри қозихонага қараб йўл оладилар.

Марчелло АРДЖЕЛЛИ

ФУҚАРОЛАР ИЛТИМОСИ

(КАТТАЛАР УЧУН ЭРТАК)

Мисол. Ниқоб кийиб олган қуролли бандитлар банкка бостириб киришади ва тўппончаларини чўнтақларидан олишади.

— Худо ҳаққи, қўрқманлар. Ибораларнинг қатъийлиги учун уэр сўрайман, сизлар ишлаётган банкда жуда дўстона ниятлар билан ўмариш содир қилинапти. Кассадаги пулларни бизнинг халтамызга солишни сизлардан илтимос қиламан.

Бундай хушмуомала илтимосни ким қаноатлантирмайди?

Кассир дарҳол ва дадил, ҳатто таъзим қилиб, уни бажонидил бажаради.

Эртаси кўни рўзномалар ва ойнаи жаҳон полиция баёнотини одамларга хабар қилади:

«Кеча банкни ўмарган сенъ

— Жаноби қози, — дейди ҳимоячи, — сиздан мени ҳимоямдаги одамларни жазоламасликни чин дилдан илтимос қиламан, чунки бу нарсани уларга қўллаш ғоятда адолатсизлик бўлади.

Бундай нуқтдан кейин айблов ҳукмини чиқариш учун қозининг тили айланадими ёки қўли кўтариладими? У бандитларни сўзсиз оқлайди ва ўз уйига таклиф қилиб, кечки овқат билан меҳмон қилади.

Шаҳар аҳолиси жуда мамнун. Ким ўғирламоқни истаб қолса, ўғирлик қилаверади, лекин руҳшунос мўлжал қилганидек, хушмуомалалик билан барча муаммоларга барҳам беради.

Русчадан
Дўст МУҲАММАД
таржимаси.

ҚАТРА ХАНДАЛАР

ТУШИБ КЕТМАСИНДА

— Биласизми, қўшини, бир олимнинг бошига олма тушиб кетганда, кашфиёт яратган экан.

— Ишқилиб, ҳозирги олимларнинг бошига бирон нарса тушиб кетмасинда, — деди ҳавотирланиб қўшим.

МИНОРАДАН ТАШЛАЙСИЗ

Бир умр эпизодик ролларда ўйнаган актёр денгизда чўкаётган одам образини яратаётган эди. Сўнга тушгач, режиссёрга деди:

— Агар келгуси фильмда асосий роллардан бирини бермасангиз, ростдан чўкиб ўламан.

— Ниятингиз қатъий бўлса, бир оз сабр қиласиз, — жавоб берди режиссёр пинагини ҳам бузмай. — Навбатдаги фильмда минорадан ташлаш саҳнаси бор. Имкони борича тақдорламасдан суратга олишга ҳаракат қиламиз.

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ,
Тошкент шаҳри.



ТАБИАТ МУЪЖИЗАСИ.

Мусаҳҳиҳ адашди

Текинтовоқ.

Айбдор қошини эгди.

Уйга ит қўйишди.

Фоҳиша қўзини сузди.

Чандирсомса.

Товламачи қанд берди.

Ёшлар чилм олишмоқда.

Кулга кўмилган олғирлар.

Абдуазиз ҲОШИМОВ,

Каттақўрғон шаҳри.

ҲАЙВОНОТ ОЛАМИДА

Умуртқасизлар ичида фақат ҳашаротлар синфи вакилларигина уча олишади.

Фанда тўла ўрганилган ҳашаротлар сони 1 миллионга, ўрганилмаганлари эса 2 миллионга яқиндир.

Фанга маълум ҳашаротларнинг 87 фоизи ўсимликчангланттирувчилардир.

Ҳашаротлар ҳайвонот оламининг 70 фоизини ташкил этишади. Уларнинг тарқалиши ҳайвонларга ҳам боғлиқ. Масалан, Австралия кашф этилгунга қадар у ерда қора-

моллар учрамасди. Шу боис гўнг чиритувчи ҳашаротлар ҳам йўқ эди.

Ҳашаротларнинг айримлари хонакилаштираилмоқда. Ипак қурти, асаларидан ташқари кошенилсимонлар, трихограммалар шулар жумласидандир.

Ҳашаротлар бизга ипак, асал, прополис, кармин (кошенилсимонлар оиласидан урғочилари берадиган кирмизи рангдаги нодир бўёқ), лак, хилма-хил sanoat маҳсулотлари беради.

Муҳаррир
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: Муҳаррир,
муҳаррир ўринбосари — 39-77-23,
37-23, 46-56 (ички).

«ПОСТДА» — («НА ПОСТУ») Орган коллегии МВД Республики Узбекистан
26399 нусхада чоп этилди.